

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ТАҲЛИЛИ ҚУЁНЛАР ЖИГАРИНИНГ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ОЧЛИК ҲОЛАТИДАГИ МОРФОЛОГИЯСИ.

**Шодиярова Д.С.** – СамДТУ Гистология, цитология ва эмбриология кафедрасининг докторанти(*PhD*)

**Ортикова Ю.О.** – СамДТУ Тиббий профилактика факультети талабаси.  
Ўзбекистон Республикаси. Самарқанд шаҳри.

### **Аннотация.**

Мазкур мақолада озуқа тури ҳар хил бўлган сут эмизуви ҳайвонлар жигари тизимининг экспериментал очлик ҳолатидаги морфологиясига доир илмий изланишлар натижалари таҳлили баён қилинган. Экспериментал очлик ҳолати тажриба ҳайвонларига тўлиқ оч қолдириш (озуқа ва сув бермаслик) усулида олиб борилди. Тажриба яқин (3сутка) ва узоқ (10 сутка) муддатларда ўтказилди. Тажриба етук ёшдаги 10та қуёnlарда ўтказилди. Тажриба ҳайвонларидан олинган материал 12% ли формалинда қотирилди. Парфин блокларидан олинган гистологик кесмалар гематоксилин-эозин ва ванн-Гизан усулларида бўяб ўрганилди. Тадқиқот натижаларидан шу нарса аниқландики, сут эмизуви ҳайвонлар жигарида экспериментал очлик ҳолатида ўзига хос морфологик ўзгаришлар кузатилди.

**Калит сўзлар:** Озуқа тури, сут эмизувилаr жигари, экспериментал очлика жигар морфологияси.

**Долзарблиги.** Озуқа тури ва организмнинг доимий равишда озиқланиб туриши, узоқ эволюция жараёнида шаклланиб, тобора ривожланиб, мукаммалланиб борган, бораётган мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай узлуксиз жараён натижасида организм йўқотган энергиясини ва нобуд бўлган ҳужайраларини қайтадан тиклаб олиш хусусиятига эга. Агар организмга қувватини тикловчи ҳомашё (озуқа ва сув) кирмаса, унда ўша барча жараёнлар секин-аста издан чиқа бошлайди. Бу жараёнларнинг нормал кечишида ва организмнинг ички муҳитини доимий сақлаб туришда жигар муҳим рол ўйнайди. Очлик ҳолати ва организмнинг ички муҳитининг ўзгариши жигарда жуда қўплаб дистрофик ўзгаришларга сабаб бўлади (Е.В.Альфонсова,2013). Масалан, 60минут давомида организмнинг pH-7,2 га ўзгаририлганда жигарда ёғли ва вакуолали дистрофик ўзгаришлар, pH-7,1 га ўзгаририлганда ўчоқли қатмас жараёнлар ва , pH-7,0 ўзгаририлганда эса жигар ҳужайраларида некроз кузатдилар. Организмнинг тўлиқ очлик ҳолати унинг ички муҳитини (pH) ўзгарирадиган омил ҳисобланади. Шу сабабли тажриба ҳайвонларида тўлиқ

очлик ҳолатида жигардаги морфологик ўзгаришларини ўрганиш, ҳали етарлича ўрганилмаган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

**Мақсади ва вазифаси.** Тадқиқотнинг мақсади, озуқа тури ҳар хил бўлган ҳайвонлар жигарининг очлик ҳолатидаги морфологик ўзгаришларини ўрганиш.

### Ўрганиш объекти ва усуллари.

Тажриба учун етук ёшдаги 10 та қуён олинди. Тажриба ҳайвонларга тўлиқ очлик, яъни овқат ва сув бермаслик усулида, яқин (3 сутка) ва узоқ (10 сутка) муддатларда ўтказилди. Олинган материал 12% нейтрал формалинда қотирилди. Парафин блокларидан олиган кесмалар гематоксилин-эозин ва ван-Гизан усулларида бўяб ўрганилди. Тажрибада олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, керакли холосалар чиқарилди.

### Тадқиқот натижалари таҳлили.

#### Қуёнлар жигари умумий тузилишининг экспериментал очлик ҳолатидаги морфологияси.

Экспериментал очлик ҳолатида қуёнлар жигарида турли даражадаги морфологик ва функционал ўзгаришлар кузатилади. Бундай ўзгаришларни айниқса экспериментал очлик ҳолатининг узок муддатида анча чуқурлашган ва турли ҳолатларда учратиш мумкин.

Тажрибанинг яқин (Зсутка) муддатида қуёнлар жигари капсуласида бирмунча шиш ва унинг натижасида қалинлашиш ҳолатини кўрамиз. Капсул қалинлиги 12-14 мкм ни ташкил қилади. Бўлакчалараро бириктурувчи тўқима таркибида лимфоид тўқималар тўпланиши, яъни инфильтрация ҳолати бошланаётганлигини кўрамиз. Бўлакчалараро қон томирлари ва ўт йўлларининг деворида ўзгаришлар кузатилади, яъни диаметри кичраяди. Тажрибанинг яқин муддатида қуёнлар жигари бўлакчалараро артерияларнинг диаметри ўртacha  $5,30+0,24$  мкм гача қисқарганлигини, бўлакчалараро веналарнинг диаметри эса,  $38,44+1,61$  мкм қисқарганлигини кўрамиз. Бўлакчалар ўртасида жойлашган марказий веналар ўлчами ҳам тажрибанинг яқин муддатида анча кичирайиш орқали ўзгаришини кўрамиз, яъни у  $70,54 + 1,21$  мкм га teng. Жигар булакчалари ичкарисига кирувчи бўлакчалараро артерия ва вена қон томирлари ўзаро кўшилишиб, умумий қон томир синусоид типидаги гемокапиллярнни хосил килади. Гемокапиллярлар атрофида марказий веналарга радиал шаклда жигар пластинкачалари жойлашади. Улар биргаликда жигар паренхимасини ташкил қилади. Экспериментал очлик ҳолатининг яқин (Зсутка) муддатида ана шу жигар паренхимасида ҳам қўргина морфологик ўзгаришларни кўрамиз. Жигар пластинкачаларини хосил килувчи гепатоцитларнинг шакли қўпроқ полигонал нотўғри шаклли бўлиб, хужайраларда гемотрофия типига мансуб дистрофик ўзгаришлар бошланганлигини учратишимиш мумкин. Жигар хужайраларда секреция жараёни пасайиши ,секретор аппаратлари ва бошқа

органеллалар сони камайиши натижасида секретор доналари ва киритмалар сони ҳам кескин камаяди. Бунинг натижасида эса ядроси кичрайган ва цитоплазмаси тиниклашган ва цитоплазмасида йирик вакуолалар пайдо бўлган хужайралар сони ортиб боради. Жигар хужайралари ўлчами  $25,56+0,35$  мкм ташкил этса, уларнинг ядросининг ўлчами эса  $5,62+0,18$  мкм га teng, яъни ядро-цитоплазматик нисбати  $0,22$  га teng. Олинган бундай маълумотлар шуни кўрсатадики, хужайраларнинг ўзига нисбатан ядроси кўпроқ кичрайган ва бу эса, гепатоцитларда модда алмашинуви пасайганлигини, яъни гепотрофик ўзгаришлар бошланганлигини билдиради. Бундай ўзгаришлар пайдо бўлиши жигар хужайраларининг очик холатига килган жавоб реакцияси, яъни организмнинг химоя -мослашув тизимининг ишга тушиши натижасида, хужайралар имкон кадар мослашишга харакат қилиш жараёнидир. Тажрибанинг яzik муддатида бўлакчаларо бириктирувчи тўқима бироз кўпайганлиги сезилади ёки гепатоцитлар жойлашиш зичлигининг бириктирувчи тўқима зичлигига нисбати камайганлигини кўрамиз, яъни  $20,54+_0,24$ :  $5,92+_0,66$  га teng ёки  $3,46$  ни ташкил қиласи.

Экспериментал очик холатининг узок (10сутка) муддатида куёнлар жигаридаги морфологик ва морфометрик ўзгаришлар янада чуқурлашади, жигар капсуласининг қалингиги  $7-8$  мкмга ёки жигарнинг дарвоза қисмida esa,  $15-16$  мкм га ташкил киласи. Бўлакчалараро бириктирувчи тўқима коллаген толалар кўпайиши хисобига анча яхши ривожланган, яъни унинг зичлиги  $6,72+_0,76$  мкм га teng. Бўлакчалараро кон томирлари ва ўт йўлларини ўлчамлари янада кичрайганлигини кўрамиз. Бўлакчалараро артериялар ўлчами ўртача  $4,88+_0,16$  ни ташкил киласа, бўлакчалараро веналарнинг диаметри ўртача  $36,12+_0,89$  мкм га teng. Бу кўрсаткич бўлакчалараро ўт йўлларида эса  $10,15+_0,84$  мкм га teng. Тажрибанинг узок муддатида куёнлар жигари марказий венасининг диаметри  $65,45+1,64$  мкм га teng. Бўлакчалар ичра жигар пластинкалари ва синусоид капилярларда ҳам турли даражадаги дистрофик ўзгаришлар кузатилади. Жигар пластинкачаларини ҳосил қилувчи гепатоцитлар шакли полигонал, нотўгри цитоплазмаси тиник, ядроси кичрайган, бужмайган ёки бўлакчаларга бўлинган, баъзан эса умуман ядроси йўқ хужайралар сони ортиб боради.

Хужайралар цитоплазмасида секретор гранулалар ва киритмалар сони кескин камайиб кетган ва улар ўрнида йирик вакуолалар(пуфаклар) сони ортиб кетган ҳолатларини кўрамиз. Бу эса гепатоцитларда моддалар алмашинувининг кескин пасайганлигини, хужайраларда гипотрофия типига ҳос дистрофик ўзгаришлар содир бўлаётганлигини билдиради. Куёнлар жигари хужайраларининг ўлчами тажрибанинг узок муддатида ўртача  $20,42+_0,34$  мкм бўлиб, ядросининг диаметри эса  $4,25+_0,15$  мкм га teng. Бундай холатда жигар

хужайраларининг ядро-цитоплазматик нисбати 0.21 га тенг бўлади. Бу эса жигар хужайраларида регенерация хусусиятининг пасайганлигини билдиради. Жигар хужайралари жойлашиш зичлигининг бириктирувчи тўқимага нисбатан ҳам ўзгаради, чунки гепатоцитлар сони камайиб, бириктирувчи тўқима микдори ортади. Гепатоцитлар жойлашиш зичлигининг бириктирувчи тўқима зичлигига нисбати  $18.88+/-0.76$ :  $6.72+/-0.24$  га тенг ёки 2.81 ташкил этади. Бундай холат тажрибанинг ўзок муддатида куёнлар жигарида дистрофик ўзгаришлар чуқурланиб, жигар циррози бошланаётганлигидан далолат беради.

Экспериментал очлик холатида юзага келган барча морфометрик ёки морфологик ўзгаришлар куёнлар жигарининг экспериментал таъсирига нисбатан жавоб реакцияси, яъни организмнинг химоя-мослашув тизими ёрдамида (экспериментал) нокулай мухитга мослашишининг морфологик кўринишидир.